Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 124 (7, 213) 1990 йил 2 июнь, шанба Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVIII съезди олдидан

ЖИМЖИМАДОР СЎЗЛАР НИҚОБИ ОСТИДА

ПАРТИЯ XXVIII съезди иш бошлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Ҳозир съездолди мунозараси кун сайин авжига чиқаяпти. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Ҳаракат дастури танқидий нуқтаи назардан муҳокама қилинаётганлигига қарамасдан миллионлаб коммунистлар томонидан қўллаб-қувватланяпти. Айни пайтда Демократик ва Марксча Ҳаракат дастурлари муқобил лойиҳаларининг тарафдорлари ҳам бор.

Табиийки, бугунги кунда съездолди ҳужжатларини «ялпи» қўллаб-қувватлаш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир коммунист ўз нуқтаи назарига эга бўлиши мумкин ва худди шундай бўлиши ҳам зарур. Партия аъзолари КПССнинг келажагига нисбатан муносабатларини аниқ белгилаб олиши ҳам лозим. Бироқ ҳамма ҳам, шу жумладан Тошкент шаҳар партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистларнинг ҳаммаси ҳам бундай қатъий қарорга келганлари йўқ. КПСС аъзоларининг муайян қисми Демократик Ҳаракат дастурида баён этилган қоидаларни қўллаб-қувватлаётирлар. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бу қоидаларга танқидий нуқтаи назардан ёндошмаётганликларини, юзаки қараганда тўғри ва жимжимадор сўзлар орқасида нималар турганлигини чуқур таҳлил этмаётганликларини таъкидлаш керак.

Шу сабабли КПССдаги Демократик Ҳаракат дастурининг айрим масалаларини юзасидан ўз фикримни баён этмоқчиман.

Демократик Ҳаракат дастури тарафдорлари партияга қайта қуришдаги, жамиятдаги авангардлик ролидан ўз ихтиёрича воз кечиш ғоясини зўр бериб тиқиштирмоқдалар. Бу пировард натижада партиянинг ўзини-ўзи бекор қилиши билан баравар. Жумладан, Демократик Ҳаракат дастурида КПССни ҳудуд принципи асосида тузиш, бошланғич партия ташкилотларини фақатгина турар жойларда ташкил этиш юзасидан таклифи КПССни «муниципиал партия» ҳолатига олиб келади. Бу эса партиянинг фақатгина маҳаллий хўжаликни ва маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалаларига таъсирини сақлаб қолишини билдиради.

Ваҳоланки, Демократик Ҳаракат дастури тарафдорларининг ўзлари турли фронтлар, уюшмалар ташкил этаётганда ҳудуд принципига амал қилмаяптилар. Улар ўз тарафдорлари корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда, ҳатто армияда ҳам бўлишига интилмоқдалар. Бундан пировард натижада Демократик Ҳаракат дастури ўз олдига қандай мақсадларни қўяётганлиги равшан бўлади. Бу амалда ҳокимиятни қўлга олиш ва КПССни етакчилик мавқеидан суриб чиқаришдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир ташкилот (КПСС ҳам бундан истисно эмас) реал сиёсий куч бўлишини истаса пастдан юқоригача пухта тузилишга эга бўлиши ва мамлакат тақдири ҳал қилинаётган, сиёсат шаклланаётган жойларда фаол ҳаракат қилиши зарур. Биз демократияга мос келмайдиган маъмурий-буйруқбозлик системасидан воз кечяпмиз. Шу билан бир қаторда биз партия ва давлат муассасаларининг пухта ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишини таъминлайдиган нарсалардан атайин воз кечишга ҳам қатъиян қаршимиз.

Демократик Ҳаракат дастури муаллифлари КПССнинг совет жамиятидаги авангардлик ролини шошқалоқлик билан рад этар эканлар, Коммунистик партияни жамиятни жипслаштирувчи омил сифатида ҳам тан олмайдилар. Лекин соғлом ақл билан фикр юритилса, партиянинг ижтимоий кучларнинг авангарди сифатидаги ролидан воз кечишга даъват кулгилидир. Сиёсий етакчиликка, ҳукмрон партия бўлишга интилмайдиган, курашмайдиган бирорта партияни дунёда топиш мумкинми? КПСС ўзининг Конституцияда мустаҳкам қўйилган раҳбарлик ролидан воз кечди. Лекин Коммунистик партиянинг жамиятда авангардлик ролини эгаллаш учун курашдан воз кечишига тарғиб қилиш фикрига мутлақо қўшила олмайман. Бу ҳар қандай сиёсий партиянинг моҳиятига зиддир.

Шунга қарамасдан партиянинг бундай ҳолатга тушишини таклиф этмоқдалар. Бунга «драматик» назарий хулосалари билан ҳуркитадиган, лекин жимжимадор кўринган пойдевор қўйишга уриняптилар. Бу билан КПСС «парламент типидаги партияга» айланиши кераклигини ва жамиятга таъсирини амалда ҳеч нарса йўқ жойдан бошлаши зарурлигини исботлаш мақсади қўйилмоқда.

Демократик Ҳаракат дастури демократик централизм принципидан қатъиян воз кечади. Бу принцип гўё партияда демократияга ва ўз ҳоҳишини эркин билдиришга имкон бермас эмиш. Айни пайтда эса унинг ўрнига «асос қилиб олиниши керак бўлган демократик принциплар» таклиф этилмоқда. Бу принципларнинг амалда КПСС раҳбариятининг ҳозир ички партия турмушини демократиялаштиришга қаратилган йўлидан фарқи кам, яъни бу раҳбарларнинг сайланиши, алмаштириб турилиши, ошкоралик, камчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, бунда камчилик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига Устав томонидан кафолат берилиши ва ҳоказоларида. Демократик Ҳаракат дастуридаги қоидалар билан улар ўртасидаги тафовут фақат у ёки бу бандларнинг қўлланишида соғлом ақл билан иш кўришдан, устун йўналишларни белгилашдан иборатдир.

Демократик Ҳаракат дастуридаги фракциялар ва гуруҳлар, ғоявий оқимлар эркинлигига қайтиш тўғрисидаги таклиф ҳам жиддий эътирозлар туғдиради. Бу билан амалда РКП (б) X съезднинг «Партия бирлиги тўғрисида»ги резолюцияси бекор қилиниши кўзда тутилади. Демократик Ҳаракат дастури муаллифлари бу резолюцияни диққат билан ўрганиб чиққанларида бўларди. Чунки унинг моҳияти барча коммунистларнинг партия хатоларини тузатиш учун биргаликда ишлашга, демократияни, мустақилликни, мунозара юритишларни кенгайтиришга даъватдан, айни пайтда фракция биқиқлигини қоралашдан иборатдир.

Демократик Ҳаракат дастурининг «ишчилар синфининг тарихий вазифаси, пролетариат диктатураси тўғрисидаги қотиб қолган тасаввурларни» қайта кўриш таклифи қандай маънони билдиради? Бу ишчилар синфининг партиядаги авангардлик ролини кўпориш, бу билан КПССнинг меҳнаткашларга таъсирини камайтириш, ишчилар синфи ва зиёлилар ўртасида адоват уйғотишдан бошқа нарса эмас.

Демократик Ҳаракат дастури муаллифлари ҳамма нарса тўғрисида четдаги кузатувчи одамлар сифатида мулоҳаза юритишлари, юмшоқ қилиб айтганда, таажжубга солади. Гўё улар ўзларини партия аъзолари эмас ва йўл қўйилган хатоларда айбдормаслар, деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, уларнинг кўпчилиги яқин-яқингача коммунистик мафкуранинг ривожланишига ўз «улуш»ларини қўшиб келган эдилар. Бугун эса бу мафкурани қоралаш билан оворалар. Бунда шундай савол туғилиши табиий: улар қачон самимий бўлганлар — илгарими ёки ҳозирми? Ўз партиясини қоралаётган коммунистлар унга мансабда кўтарилишни ўйлаб эмас, эътиқодлари бўйича кирганликларига ишонгинг келмайди. Демократик Ҳаракат дастури муаллифларининг кўпчилиги партия аъзолигидан фойдаланиб, юқори раҳбар лавозимларини эгалладилар, улар партия аппаратининг ўша «имтиёзлари»дан фойдаланиб келганлар. Улар партиядан ўзлари учун керак бўлган ҳамма нарсани олиб, партия оғир аҳволга тушган бир пайтда унга хиёнат қилмоқдалар. Айни пайтда Демократик Ҳаракат дастури тарафдорлари КПССни қайта қуришга тўсқинлик қилаётган куч деб атасалар ҳам унинг сафида қолмоқдалар. Бу сиёсий, оддий инсоний ҳалолликка тўғри келадими?

Демократик Ҳаракат дастурида бутун диққат-эътибор КПСС ва давлатда ҳукмронлик мавқеини эгаллаш учун курашга қаратилган. Ҳаракат дастури муаллифлари халқ турмушини яхшилаш масалаларини ҳал қилиш билан унчалик ишлари йўқ.

Бундан Демократик Ҳаракат дастурини онгли равишда танлаганларнинг мақсадлари равшан бўлади. Бу ҳам бўлса улар фракциялар эркинлигига эришиб, КПССни парчалаб ташлаш, унинг таъсирини йўққа чиқариш ва шундан сўнг ички сиёсий майдонда раҳбар куч сифатида мустаҳкамланиб қолишдир. Буни пайқамасликнинг иложи йўқ.

Демократик Ҳаракат дастури муаллифлари ўз назарий қарашларини исботлаш учун далиллар топишда муайян даражада «маҳорат» кўрсатганликларини тан олмай бўлмайди. Лекин бу далиллар, таъбир жоиз бўлса, жўн фикр юритишга ва «усти ялтироқликка» мўлжалланган дир.

Масалан, партиядан чиқаётганлар сони кўпаяётганлиги, КПССга кириш ихтиёрини билдираётганлар камаяётганлиги, партиявий матбуот обуначиларининг сони озайганлиги зўр бериб таъкидланади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин бу КПССнинг емирилишини мутлақо билдирмайди. Тўғри, КПССнинг анчагина аъзолари партиядан чиқмоқда. Бироқ бу «инқироз»дан эмас, балки покланишдан далолат беради. Чунки партиядан асосан ҳаётдан кўпроқ юлиб олиш, лекин камроқ ишлашга одатланиб қолганлар, ўз вақтида юқоридан туриб берилган кўрсатмалар асосида КПССга киришга «кўндирилганлар» чиқмоқда. КПСС сафида ғоявий эътиқодлари мустаҳкам, партиянинг янгиланишига ишонадиган ва КПСС оғир аҳволда бўлган пайтда бунинг учун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини аямайдиганлар қолмоқдалар.

Ҳа, КПССга кириш тўғрисидаги аризалар камайди. Лекин бу партиянинг ўз сафларини сунъий равишда кўпайтиришдан воз кечиши далолати эмасми? Партияга қабул қилиш илгари юқоридан белгиланган қабул «плани»дан камайди. Бу план юқоридан партия комитетларига тиқиштирилган бўлиб, у оқибат натижада партия янги сафларининг, демак умуман партия ўзининг ҳам сифат составини ёмонлашишига олиб келди.

Ҳа, партиявий матбуот обуначиларининг сони камайди. Лекин бу ўринда ҳам худди партиянинг ўзи партиявий матбуотни обуначиларга тиқиштиришдан воз кечганлигини ёддан чиқариб бўлмайди. Бугунги кунда обуна ихтиёрий ишдир.

Бир сўз билан айтганда, демократик Ҳаракат дастурининг кўпгина моддалари бўйича менда, шунингдек, бу Дастурни чуқур таҳлил этган кўпгина коммунистларда ҳам танқидий мулоҳазалар анчагина. Аммо юқорида айтилган фикрларнинг ўзи ҳам ҳозир иккиланиб турган коммунистларга Демократик Ҳаракат дастурига нисбатан ўз муносабатини аниқ белгилашларига, жимжимадор сўзлар ниқоби остида нималар яширилганлигини билиб олишларига кўмаклашишига умид қиламан.

Ю. АСЕПКОВ,
Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби.

СССР Олий Совети
Ўртоқ А. И. ЛУКЬЯНОВга

СССР Министрлар Совети
Ўртоқ Н. И. РИЖКОВга

Бозор муносабатига ўтишни объектив зарурат деб биламиз. Айни пайтда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг мустаҳкам кафолатларини ишлаб чиқмай туриб, бошқариладиган бозор иқтисодиётига жадал ўтишга, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар чакана нархини оширишга қатъиян эътироз билдирадилар. 1990 йилнинг 1 июлидан нон маҳсулотларининг нархи оширилиши барвақт эканлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Республиканинг фикрини СССР Олий Советининг навбатдаги мажлисида СССР халқ депутатларига етказишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси
Ш. МИРСАИДОВ.

Танишинг: Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати



«ОРЗУ»ДАГИ ОЙДИН ОРЗУЛАР

ШОИРОНА ном билан аталувчи бу корхонага яхши ният билан қадам босган кишининг орзулари албатта ушалади. Бунга бу ерга келиб, касб-ҳунар эгаси бўлган, обрў-эътибор ва иззат топган сон-саноқсиз ишчиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ана шундай фидойилардан бири Клара Рустамовадир.

— Бирлашмамизда Кларахондек жамоатчи, тинмай-тинчимайдиган ишчи-коммунистларимиз бор экан юкимиз асло ерда қолмайди, — дейишди бу ҳақда ҳамкасабалари.

Бу гапларда жон бор. Бу ерда К. Рустамовадек ўз касбига ихлос қўйган, маҳсулот сифати учун куйди-пишди ишчиларнинг сероблиги шарофати билан «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон ССР Енгил саноат вазирлиги корхоналари ўртасида пешқадамлар қаторида боряпти.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун келинг, бир-иккита мағизи тўла мисолларни келтирайлик. Ҳозирги пайтда ушбу корхона лойиҳа қувватидаги 26 миллион сўмлик ўрнига йилига 36 миллион сўмликдан зиёд истеъмол буюмлари ишлаб чиқармоқда.

— Ҳамкасаба дугоналаримнинг кўпчилиги, — дейди майин жилмайиб Клара Рустамова, — шахсий белги билан маҳсулот ишлаб чиқаришга одатланишган. Бу — ҳалол ва виждонан ишлаш, маҳсулот сифати — корхона кўзгуси эканлигини ҳар доим ҳис этиб меҳнат қилиш демакдир.

— Буюмларнинг хилларичи, улар харидорлар талаби билан ўзгартириб борилади-ми, — дея сўраймиз Кларахондан.

— Бўлмасамчи, ҳамма гап ана шундада. Тайёрланаётган буюмларнинг хиллари ҳар йили 60 фоиздан 100 фоизгача ўзгариб боради. Бу нарса бирлашма маҳсулотларига талабнинг кун сайин ошиб боришига олиб келяпти.

— Ҳозир биз инсон омили ҳақида кўп гапирамиз. Бирлашмада сиз, ишчиларга қандай ғамхўрликлар, қулайликлар яратяпти?

— Мана, ўз кўзингиз билан кўришингиз мумкин, — дея сўзини давом эттираркан ҳамроҳимиз, бирлашмада бу борадаги ишлар ҳақида ҳам завқ-шавқ билан сўзлаб берди...

Дарҳақиқат, корхонанинг ҳар бир цехида дам олиш бурчаклари бор, тиббий хизмат кўрсатадиган, ҳордиқ чиқарадиган жойлар ишчилар ихтиёрида. Ошхона, чойхона дейсизми, озиқ-овқат ва сутқатиқ маҳсулотлари дўконлари дейсизми, ҳаммаси уларга мунтазир. Шундай қулайликлар яратилганидан кейин ғайрат билан ишланадида!

Биз суҳбатимиз сўнгида орзулари ойдин Клара Рустамовани Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига делегат этиб сайланганлиги билан табриклаб, унинг съездолди фикрлари, нуқтаи назари билан қизиқдик. Бу нуқтаи назарда чиндан ҳам ҳозирги кунда партиямизнинг оғир даврни бошидан кечираётганн, партия обрўси ҳақида бўлаётган гап-сўзлар оддий касб эгаларини ҳам ўйлантириб қўяётгани, соғлом кишиларнинг бирлашиши кераклиги-ю, мисқоллаб йиғилган партия обрўсини сочиб юборишга асло йўл қўймаслигимиз лозимлиги, партия сафларини меҳнат жамоаларида катта обрў қозонган, сиёсий тажрибани эгаллаган, қайта қуришнинг фаол қатнашчилари бўлган кишилар ҳисобига тўлдириш кераклиги ўз ифодасини топган.

⊙ СУРАТДА: Клара Рустамова.
Т. Каримов суратлари.

⊙ Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига бағишланган бошқа мақолаларни рўзномамнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.



⊙ ОЛДИНГИ САФДА БОРИШ ҲУҚУҚИ. Шаҳримизда юз минг кишидан зиёд коммунистлар отряди бор. Улар шаҳримиз фаолиятига, етилган муаммоларни ҳал қилишга самарали таъсир қилмоқдалар. Уларга берилган ҳуқуқ — ҳамиша олдинда бўлиш, халқ ишончини оқлаш биринчи галдаги бурч эканлигини доимо ёдида тутмоқдалар.

Бу коммунистлар «Тошкент абразив заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилишади. Марҳамат танишинг: (чапдан ўнга) ўровчи Улуғбек Шайхонов, таъмирловчи Рустам Обидов, ишчи Райт Сентя, катта уста, корхона партия ташкилотининг котиби Анатолий Бойков, бригадир Алим Усеинов, ишчи Рустам Шодибеков ва бригадир Николай Ковезин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИДА

КОМИССИЯЛАР СЕССИЯГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари республика қонун чиқарувчи олий органининг яқинда бўладиган сессиясига фаол тайёргарлик кўрмоқда.

Мажлисларда сессия кун тартибига киритилган муаммоларга тааллуқли материаллар, шунингдек комиссиялар ишини ташкил қилиш ва планлаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмоқда ва муҳокама қилинмоқда. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ҚАРОРЛАР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов раислигида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ВКП (б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги (1946 йил 14 август) ва «В. Мураделининг «Буюк дўстлик» операси ҳақида»ги (1948 йил 10 февраль) қарорлари асосида қабул қилинган Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг «Ўзбекистон совет ёзувчиларн уюшмасининг ишм тўғрисида»ги (1949 йил 25 июнь), «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишм тўғрисида»ги (1950 йил 1 сентябрь), «Ўзбекистон ССР музика санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги (1951 йил 8 апрель) қарорлари, шунингдек Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг X пленуми (1952 йил 21-22 февраль) қарорлари асосида қабул қилинган «Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети Бюросининг қарорлари қониқарсиз баҳарилаётганлиги тўғрисида»ги (1950 йил 1 сентябрь), «Ўзбекистон ССР музика санъатининг аҳволи тўғрисида»ги (1952 йил 17 сентябрь), «ВКП(б) аъзоси ўртоқ А. М. Аминовнинг сиёсий хатолари, мафкуравий бузишларга йўл қўйганлиги ва нотўғри хулқ атвори ҳақида»ги (1952 йил 27 июль), «Ўртоқ В. Й. Зоҳидовнинг хатолари ва мафкуравий бузишларга йўл қўйганлиги тўғрисида»ги (1952 йил 22 август) қарорлари билан боғлиқ материалларни ўрганувчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ленинча миллий сиёсат принципларини қўпол равишда бузган ана шу қарорлар жумҳуриятнинг маънавий турмушидаги жараёнларга салбий таъсир кўрсатганлиги айтиб ўтилди. Уларда Ўзбекистон фани, адабиёти ва музика-театр санъатининг таниқли намояндаларн асоссиз равишда қаттиқ танқид қилинган эди.

Ушбу қарорлар Ўзбекистон илмий ва ижодкор зиёлиларининг бир қанча таниқли намояндаларига нисбатан ғайриқонуний қатағонлар ва қувғинларнинг асос бўлиб хизмат қилди. Булар орасида олимлардан А. М. Аминов, В. Й. Зоҳидов, А. Ҳ. Бобохўжаев, О. Усмонов, Ҳ. З. Зарифов, Ҳ. Ёқубов, ёзувчи ва шоирлардан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Шуҳрат, М. Осимов, Туроб Тўла, Темур Фаттоҳ, Собир Абдулла, Уйғун, М. Бобоев, Туйғун, Камтар Отабоев, Р. Бобожон, Ҳабибий, И. Султон, шунингдек музика-театр санъатининг бир қанча арбоблари бор.

Комиссия ўз ихтиёридаги мавжуд материалларни чуқур, атрофлича ўрганиб чиққандан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мурожаат этиб, юқорида номлари тилга олинган фан, адабиёт ва музика-театр санъати арбобларини батамом оқлаш масаласини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида кўриб чиқишни илтимос қилди.

Ўзбекистон Компартияси XXII съездига

АМАЛИЙ ИШЛАР ПАЛЛАСИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съезига Ҳаракат дастурида «Партия ўзининг куч-ғайратларини... таълим, маориф ва маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантириш, ана шу мақсадга сарфлашни кўпайтириш, мутахассисларга таълим бериш ва уларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, ўқитувчининг обрўсини ошириш вазифаларини бажаришга қаратади», — дейилади.

Ҳаракат дастури лойиҳасида халқ таълими муаммоларига, айниқса узоқ йиллар давомида таълим ва тарбия мазмунидаги камчиликларни очиқ тан олиб, юқоридаги фикрларнинг баён қилинганлиги жуда яхши. Мамлакатимиздаги ҳар қандай ижтимоий вазиятда ҳам маорифга нисбатан қарашларни тубдан ўзгартирмоғимиз даркор. Партиямизнинг ўзида бўлганидек, халқ таълимида ҳам содир бўлган вазиятдан чиқишнинг йўли битта — мактаб сиёсати ва мактабнинг ўзини тубдан қайта қуриш. Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатномаси айни долзарб вақтда эълон қилинди.

Мурожаатномани ўқиб туриб, нима учун жумҳурият мактаблари шундай аҳволга тушиб қолди? — деб ўйлайсан, киши. Ҳўш, шу кунда биринчи навбатда қандай муаммони ҳал этиш керак? Менинг фикримча, биринчи навбатда ўқувнашриёт ишларини қайта кўриб чиқиш энг долзарб вазифадир.

Мурожаатномада фан, адабиёт ва санъат арбобларига алоҳида илтимос қилинганлиги ғоят адолатли. Эндиликда ҳар қандай арбоб шу нарсани аниқ билиб олсинки, унга муносиб ўринбосарлар курстаги айни мактабдан топилади, уларга парваришмактабдан бошланади. Кўпчилик арбобларнинг мактабдан узоқлашиб кетганлигини эсло оқлаб бўлмайди. Ўзини юртимизнинг фидойиси, зиёкори, арбоби деб ҳисоблаган ҳар бир киши Мурожаатномадаги «Ҳар биримиз мактабни ривожлантиришда, ҳеч бўлмаганда бир ўқувчига, синфга, мактабга фан ва миллий маданият чўққиларини, мамлакат ва дунё халқлари маданиятини яхшироқ билиб олишда, халқ таълимига таълим ва тарбия янги мазмунини чуқурлаштиришда, иқтидорли, салоҳиятли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини ўстиришнинг таъсирчан йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ўз ўрнингизни белгилаб олинг», — деган жумлалардан таъсирланади деб ўйлайман. Маданият арбоблари албатта бу ишга лаббай деб жавоб берадилар, лекин уларга шароит яратиб бериш керак. Масалан, айни бир йўналишга мойил иқтидорли болаларни жамлаб бериш зарур. Бундай болалар кам ёки йўқ деган киши жуда катта хато қилади. Улар жуда кўп, уларга фақат малакали таълим керак. Гап яна махсус чуқурлаштирилган мактаблар ёки синфларга тақаляпти. Менимча, бундай синф ёки мактабларни қўрқмай очаверии керак. Иқтидорли болалар билан шахсий план асосида ишлайвериш знён қилмайди. Айниқса, бундай синфларда замонавий техника воситаларига эътибор бериш лозим. Тўғри, мактабда мураккаб техниканинг ўзи ҳали деярли йўқ. Лекин олим ёки арбоб ўзи ишлаётган муассаса ёки институтга 3—4 та болани бемалол жалб этиши мумкин. Бу ишга жалб этилган мутахассисга қўшимча ҳақни ҳам қўрқмай тўлайвериш керак, шунда талаб ҳам бемалол қилинаверади. Умуман, фақат махсус синфлардагина эмас, балки умумий синфларда ҳам техникадан, айниқса компьютерлардан фойдаланишни тезликда йўлга қўйиш даркор.

Тошкент шаҳри мактабларининг энг иқтидорли ўқувчиларини жамлаб Тошкент Давлат дорилфунуни оталиғида «Шаҳар компьютер ўрта мактаби» ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу мактабнинг бўлиши шу билан фойдалики, бу ерда тузилган программаларни бошқа мактабларда оммалаштириш имконияти туғилар эди.

Халқаро саводхонлик йилида биз фарзандларимизнинг илм олишда орқада қолаётганликларини тўғри тушуниб, яна битта муҳим нарсага эътиборни бермаслик ҳеч мумкин эмас. Сир эмас, кўпчилик мактабларимизда баъзи синфларда 35—40 та бола таҳсил олади. Инсоф билан ўйлаб кўрайлик, шундай шароитда муаллимга осонми? У қайси болага эътиборни чуқур қаратсин? Биз икки сменали мактабларни нормал ҳолат эмас деб доим ҳисоблаб келамиз. Ҳозирги шароитда мактаблар икки сменада бўлса ҳам, лекин синфхоналарда ўқувчилар сони 25 тадан ошмаслиги даркор.

Ҳа, партия мактаб соҳасига ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан эътибор беришга чақирмоқда. Энди бир ёқадан бош чиқариб ишга киришайлик.

Б. КАРИМОВ,
Чилонзор районидаги 138-мактаб ўқитувчиси.





⊙ ТАНИШИНГ, АНЖУМАН ДЕЛЕГАТЛАРИ. Партия ветерани Чиннихон ая Иброҳимова ва Ўзбекистон ССР бинокорлик саноати материаллари вазирлигининг қурилиш материаллари комбинати оператори А. В. Тўрахонов.

Т. Каримов суратлари.

Менга сўз беринг

— Абдували Ғуломович, аввало сизни, съезд делегати этиб сайланганлигингиз билан табриклаймиз. Айтингчи, ана шу юксак минбардан сўз айтиш сизга насиб этса, нималар ҳақида гапирган бўлардингиз?

— Айтадиган гапларим кўп. Уларнинг қисқача баёни шундай: миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия, социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини муҳофаза этиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизларга қулайликлар яратиш, халқ таълими, ёшлар билан ишлаш ва ниҳоят атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида гапирмоқчиман. Агар сезаётган бўлсангиз, бу масалаларнинг тагида анча-мунча лортишувга сабаб фикрлар, мулоҳазалар ва таклифлар ётибди.

Ишончим комилки, бу анжуман олдингиларидан бутунлай фарқ қилади. Унда халқ дилидаги гаплар, уларни тўлқинлантириб турган муаммолар ўртага ташланади. Биласиз, шу кеча-кундузлилар оммасининг ҳокимиятини, партия ички муносабатларининг ҳар томонлама демократизмини коммунистларнинг онгли интизоми ва уюшқоқлиги билан бирга қўшади». Бу сўзлар ҳам юқоридаги фикрнинг далилидир. Қолаверса, ҳозирги зиддиятли кунларимиз коммунистлардан юксак интизом ва уюшқоқликни талаб этади. Минг афсуски, барча коммунистларимиз сўз ва иш бирлигига эришаяптилар, деб бўлмайди. Бу ҳақда XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясида ҳам рўй-рост айтилди. Зеро, гап партия сафларини мустаҳкамлаш ҳақида борар экан, КПССдан чиқиш хусусидаги муаммо тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас. Ҳисобот даврида 476 коммунист партия билетини топширган. Шулардан 309 таси кейинги олти ой ичида партия аъзолигидан воз кечган. Ўйлайманки, бу коммунистларнинг кўпчилик қисми КПСС сафида бўлиши орқали қандайдир афзалликларни кўзлаган кишилар, улар партия сафига соф виждон билан киришмаган, шунинг учун ҳам партиядан ҳеч афсусланмай чиқиб кетишяпти.

Қисқа қилиб айтганда, партияни янгилаш асосий принциплардан воз кечиш эмас, балки бу ўтмиш хатоларини тўғрилаш, покланиш демакдир.

— Съездан қандай янгиликларни кутяпсиз ва ушбу анжуманга қандай тилаклар билдирмоқчисиз?

— Ҳар бир кунимиз янгиликларга бой бўлаяпти. Сайловлар арафасида Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши ёки бўлмаса кейинги вақтдаги ветеранларга қўшимча имтиёзлар, республикадан чақирилган ҳарбий қурувчиларни Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округида олиб қолиш ҳақидаги Фармон ва қарорлар халқ манфаати ва бахт-саодатини ўйлаб қилинаётган ишлардир. Оддий кунларимизки шунчалик яхшиликларга йўғрилган экан, албатта бу олий анжуманимиздан умидимиз катта. Ўйлайманки, унда халқимиз турмуш тарзини яхшилаш ҳақида жуда кўп самимий гаплар айтилади, иқтисодий тараққиётимизнинг йўналишлари белгилаб берилади.

Съездга тилакларим шу: у кўп миллатли Ўзбекистон коммунистларининг жипслиги, аҳил ва иноқлиги ҳамда уларнинг уюшқоқлигй намуналарини ифода этувчи олий анжуманга айлансин.

Суҳбатдош
М. КОМИЛЖОНОВ.

ИНСОН учун бебаҳо бойлик — сиҳат-саломатликдир. Шаҳримиздаги соғлиқни сақлашнинг чинакам қиёфаси эса ҳаммамизга яхши маълум. Агар очиқчасига айтадиган бўлсак, бизнинг тиббиётимиз бугунги кунда қашшоқлик чегарасида турибди, дейишга асосимиз бор. Узоқ йиллар мобайнида Тошкент шаҳри аҳолисининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда етакчи йўналиш — касалликларнинг олдини олиш ишларига эътибор сусайди. Корхоналар, муассасалар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари сув ҳавзалари, атроф-муҳит ҳавосини ифлосланишдан сақлаш, ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат қилиш шароитларини яратиш бўйича етарли даражада чора-тадбирлар кўрмаяптилар...

Хўш, бунга сабаб нима? Биздаги нуқсонларнинг сабаблари яқин ўтмишда, умуман олганда бутун жамиятимиз тараққиётига хос бўлган салбий ҳоллар билан боғлиқдир. Биз улардан ҳозирги пайтда қатъиян халос бўлмоқдамиз.

Менга сўз беринг

КЕЛАЖАК УМИДИ

Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ билан суҳбат

Дарҳақиқат, давр соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базасини жиддий равишда мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Кўпгина касалхоналар, туғруқхоналар, амбулаторияларда ва дорихоналар мослаштирилмаган бинолларга жойлаштирилган. Уларнинг айримлари қулаб тушиш ҳолатида турибди. Уларни капитал ремонт қилиш ёки таъмирлаш зарур. Соғлиқни сақлаш масканларини қуришга бинокорлар кўпда аҳамият беришмаяпти. Ўтган йили шаҳар бўйича тиббиёт муассасалари қурилиши режаси Тошкент шаҳрида атиги 58 фоиз бажарилди. Биз барча қурилиш ташкилотларидан, биринчи навбатда «Главташкентстрой»дан соғлиқни сақлаш бинолари қурилишига алоҳида эътибор қаратишларини талаб қиламиз. Зеро, касалхоналар, поликлиникалар, хотин-қизлар консультациялари, туғруқхоналар, соғломлаштириш марказлари, болалар боғчаларн, яслиларини янги типовой лойиҳалар асосида устун даражада қуриш пайти етиб келди.

Ҳозирги пайтда атроф-муҳит муҳофазаси энг долзарб масала бўлиб турибдики, инсон табиатнинг фарзанди, табиатсиз инсон яшай олмайди. Тошкент шаҳри аҳолиси яқин-яқингача ўзаларининг анҳорлари ва ариқларидаги тоза сув билан фахрланиб юрардилар. Салорда илгари балиқлар бўларди. Ҳозир бу ерга саноат корхоналарининг зарарли чиқиндилари: нефть ва мис чиқиндилари чиқариб ташланмоқда. Улардаги зарарли аралашмалар йўл қўйиб бериладиган даражадагидан 30—35 марта кўпдир. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 39-автобаза, «Ташсельмаш» заводи каналларни ифлос қилаётган асосий, энг йирик саноат корхоналари ҳисобланади.

Халқ хўжалигида заҳарли химикатлардан масъулиятсизларча фойдаланилаётганлиги айниқса ташвиш туғдирмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган пестицидлар фақат мева ва сабзавотлардагина эмас, айни пайтда эмизикли оналарнинг кўкрак сутида ҳам пайдо бўлаётганлиги жуда-жуда хатарлидир.

Инсон саломатлигига зарарли бўлган моддаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига кириб қолишига йўл қўймаслик мақсадида минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалигидаги заҳарли химикатлар ва бошқа химиявий таъсир воситалари қўлланилиши устидан назорат пухта амалга оширилиши даркор.

Афсус билан таъкидлаймизки, соғлиқни сақлаш муассасаларини табобат жиҳозлари билан таъминлашдаги аҳвол ҳам қониқарсиз аҳволда. Уларнинг бундай табобат жиҳозлари воситаларига бўлган талаб-эҳтиёжлари, чет эл орқали олинганини ҳам ҳисоблаганда, бор-йўғи 50—60 фоизга қондирилмоқда. Кўп марта ишлатиладиган шприцлар билан таъминланиш жуда оғир аҳволда. Бу соҳада бизнинг талаб-эҳтиёжимиз 60 фоизгина қондирилмоқда.

Ўтган йили мамлакатда, жумҳуриятда бўлгани каби шаҳримизда ҳам дорилармонлар билан таъминланиш оғир аҳволда қолаверди. Бизнинг даволаш дори-дармонларига берган буюртмаларимизнинг атиги 70—80 фоизигина бажарилмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг резинадан тайёрланган буюмларга, момиққа, бўй ўлчагичга, тарозиларга, касаллар давосига ишлатиладиган буюмларга, стоматология учун материалларга, электрокардиографларга, рентген комплексларига, компьютер томографларга, ультратовушли эндоскопга, электрон ва ҳисоблаш техникасига бўлган талаб-эҳтиёжлари қондирилмаяпти.

Тўғри, бундай тиббиёт аппаратлари ва ускуналарининг айримлари жумҳуриятимиздаги саноат корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Лекин бу соҳадаги ишларни жадаллаштириш ва ҳажмини ошириш керак.

Тиббиётимизнинг оғриқли нуқталаридан яна бири хотин-қизлар ва кичик ёшдаги болаларни оқилона овқатлантиришни таъминлаш масаласидир. Бу муаммо мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у бир неча йиллардан бери ҳал қилинмай келинмоқда. Шу мақсадда мен ишчи гуруҳи ташкил этишни ва унга «Болаларнинг овқатланиши» деган ном билан махсус дастурни ишлаб чиқишни топширишни таклиф этаман. Ўйлайманки, бизда бу ишга бош-қош бўладиган ташаббускор одамлар ва хомийлар мавжуд.

Бизда туғилишнинг юқорилиги, кўп болали оилалар кўплигини ҳисобга олиб, уларни соғломлаштириш мақсадида ҳар бир районда Чилонзорда ташкил этилганига ўхшаш «Она ва бола» соғломлаштириш марказларини вужудга келтириш зарур. Бу марказларда бир пайтнинг ўзида ҳам оналарни, ҳам болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мумкин.

Соғлом авлодни тарбиялашда рационал ва мувофиқлаштирилган овқатланишнинг катта аҳамияти бор. Жумҳуриятимизда партия ва ҳукумати яқинда шу ҳақда қабул қилган қарори фикримизга далилдир. Афсуски, бу масала ҳозиргача шаҳарда тўла-тўкис ечилган эмас.

Биз, айниқса сут ва сут маҳсулотларига катта эҳтиёж сезяпмиз. Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасининг болалар овқати цехи 1984 йил апрелида фойдаланишга топширилган эди. У бир кеча-кундузда 20 тоннадан кўпроқ сут ишлаб чиқариш ҳамда етти хил номдаги болалар сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бироқ, корхона ўтган давр мобайнида болалар овқатланининг атиги 3 хилини тайёрлашни ўзлаштирди, холос. Фикримизча, давлат агросаноат комитети болалар овқатланиш тайёрловчи корхона қурилиши ҳамда уларда болалар овқатининг турларини кўпайтиришни кўзда тутувчи лойиҳага эга бўлиш масаласи билан жиддийроқ шуғулланиши зарур.

СССР Министрлар Совети қабул қилган қарорга биноан кўп болали ҳамда кам таъминланган оилалардаги икки ёшгача бўлган болаларга бепул овқат беришни таъминлаш бўйича маҳсулотлар ажратиш ташкил этилди. Бироқ, бепул бериладиган маҳсулотлар тури ниҳоятда кам.

Хуллас, гапираман десак гап кўп. Ҳамма гап эндиликда амалий ишда қолган. Бинобарин, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди арафасида тиббиётимиз ҳаётида туб ўзгаришлар ҳам бўлмоқда. Кўни кеча Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссияларининг қарорига биноан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги 4-Бош бошқармасига қарашли даволаш-профилактика муассасалари шаҳар соғлиқни сақлаш системасига берилди. Энди бу ерда шаҳар аҳолиси учун биринчи навбатда оналар ва болалар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлаш учун даволаш-соғломлаштириш комплекслари, консультация, диагностика ва реабилитация марказлари ташкил этилади. Бу қарорни биз чинакамига меҳр-шафқат, инсонпарварлик ва социал адолат тантанаси деб баҳолаймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, шаҳримиз аҳолиси сиҳат-саломатлиги билан боғлиқ муаммолар кўп ва кўп қирралидир. Уларни зудлик билан ҳал этиш даркор.

Қ. РИЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Шўроси ижроия қўмитаси соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг делегати.

ТИББИЁТИМИЗНИНГ ОҒРИҚ НУҚТАЛАРИ

ОНАЛАР ТАШАККУРИ

КЕЧКИ пайт хизмат юзасидан Октябрь районидаги 41-ўрта мактабга борган эдим, йиғилишдан чиқиб келаётган ота-оналар билан суҳбатлашиб қолдим:

— Беш фарзандим бор, улардан тўрттаси шу мактабда ўқийди, — дейди ўзини таништириб Муҳаррам Нажмиддинова. — Умр йўлдошим вафот этганлар, бир ўзим ишлайман, рўзғор анча қийин. Болаларга бепул нонушта берилиши, уч фарзандимнинг мактаб томонидан бошдан оёқ кийимбош билан таъминланиши анча ёрдам бўлди. Бу хайрли ишдан ҳамма оналар хурсанд. Ахир бекорга айтишмайди-ку: «Бола роҳати — она фароғати» деб.

— Бепул нонушта ташкил қилинганидан болалар ҳам, ота-оналар ҳам жуда хурсанд, — дейди мактаб директори Назира Аҳмедова, — уларнинг фикрларини чуқурроқ билиш ва ишимизда учраган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида сўров варақаси тарқатдик. Ҳар ким савол ларга жавоб бериш билан бирга, ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳам киритдилар. Жамоатчи ота-оналардан ошхонамизга нонушта, тушлик ва кечки чой вақтларида ўқитувчилар билан биргаликда мактаб ошхонасини назорат қилишлари учун навбатчилар тайинладик. Яна шуниси қувончлики, ошхонамиз учун қўшимча иккита ходим олишга муваффақ бўлдик. Натижада район озиқ-овқат комбинати томонидан юбориладиган нонуштани кутмай, ўзимизда ўқувчилар талабига мос хилмахил овқат турларини тайёрлаш имкониятига эга бўлдик.

— Нимасини айтасиз, ҳукуматимизга минг раҳмат, — суҳбатга қўшилди Азиза Икромова. — Менинг уч фарзандим — Дилфуза, Феруза, Зилолалар 1, 3, 5-синфларда ўқишади. Биласиз, эрталаб барча ишга шошади. Барвақт кетадиганлар эса мактабга борадиган ўғил ёки қизига чой ичиришга фурсати бўлмайди. Энди оналар ишда кўнгиллари хотиржам ўтирадиган бўлишди.

Дилором Қосимова, кўп болали она:

— Ошхоналарнинг тозалиги, ҳар бир ўқувчи учун алоҳида сочиқ ва идиш ажратилганлиги барча оналарга маъқул. Қолаверса, амалга оширилаётган ишларни кўп болали оналарга фақат ёрдам деб қабул қиламиз.

Хўш, бу имкониятдан ҳамма жойда ҳам унумли фойдаланиляптими? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига мурожаат қилдик. Бошқарманинг махсус инспектори О. К. Кузин бизга шундай деди:

— Давлат томонидан шаҳар мактаблари учун 4,6 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада 150 мингга яқин 1—5-синф ўқувчилари бепул нонушта қилиш имкониятига эга бўлди. Кунига 7 минг сўмлик сутқатиқ маҳсулотлари ажратилган. Қисқа муддат ичида кўпгина муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди. Тезликда қўшимча ошхоналар қурилди. Ўринлар сони кўпайтирилди. Лекин шунга қарамай, санитария талабларини инобатга олган ҳолда 83 та мактабда ўқувчилар синфда овқатланишади.

Май ойида ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, Киров райони бўйича барча мактабларда ташкил қилинган ишлар ўрнак бўларли, Сергелидаги 2, Чилонзордаги 130- ва 168-мактабларда ҳам иш яхши йўлга қўйилган. Лекин яхшигина ошхонаси бўла туриб Чилонзордаги 101 ва 202-мактабларда тайёрланган овқатлар сифати ёмон, ювилган идишлар санитария-гигиена қоидаларига жавоб бермайди, хона ифлос.

Куйбишев райони бўйича 1—8-синфгача барча ўқувчиларнинг бепул нонушта қилишларига эришилди. Бу районнинг иш жумҳуриятимизда оммалаштиришса арзийди.

Д. ЗОКИРОВА.



⊙ **Санъат оламида етук бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Халқ меҳрини қозониш эса ундан ҳам қийин. Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Ёқуб Аҳмедов шундай шарафга муяссар бўлган истеъдодли санъаткорлардан бири. Янгича фикрлаш ва ошкоралликнинг ҳозирги долзарб пайтида маданият ва санъатимиз олдида ҳам ўз ечимини кутаётган муаммоли масалалар борки, буларни ҳал этишда севимли санъат намояндаларимиз куч-ғайратларини сарфлайдилар. Шунинг учун ҳам санъаткорлар аҳли коммунист Ёқуб Аҳмедовни Ўзбекистон коммунистларининг XXII съездига делегат қилиб сайладилар.**

ШАНБА ОҚШОМИДА

Меҳр-шафқатли бўлайлик

Олам қувончига тенг

МЕҲР-шафқат, меҳрибонлик фақат ҳеч кими йўқ, муҳтож кишиларга ёрдам бериш билан ўлчанмайди. Маъноси жуда катта бўлган бу одат ҳамма миллатларда бор. Айниқса, ўзбек халқида асрлар давомида сақланиб урф-одатга айланиб қолган.

Оддий мисол. Улуғ Ватан урушининг оғир дамлари, бир бурда нонга зор бўлган вақтларда ҳар қандай қийинчиликка қарамай халқимиз минг-минглаб ватансиз қолган, оч-яланғоч кишиларни бағрига олиб, қўлларидан келган ёрдамни аямади. Бундай меҳр-шафқатга бутун дунё қойил қолган.

Кейинги пайтдаги яхши ишларимиздан бири «Хизмат», «Хизмат — беминнат» ширкатларининг кўпайиб бораётганидир. Мактаб ўқувчилари, талабалар ўз ихтиёрлари билан отрядлар тузиб беморлар, уруш ногиронлари, синф ўқувчиси бўлмаган кексаларга турмушда яқиндан ёрдам беришяпти.

С. Раҳимов районидаги 22-ва 28-мактаблар томонидан олиб борилаётган ишлар айниқса диққатга сазовордир. Раҳм-шафқат, меҳрибонлик менимча биринчи навбатда тиббиёт ходимларида ўз аксини топган бўлиши зарур. Улуғ аллома Абу Али ибн Сино «Шифокорнинг даволаш усулларидан бири — меҳрибонликдир», деб бежиз айтмаган.

М. Исломбоева, М. Мусаева, Ш. Салимсоқова, Н. Каримова, С. Аҳмедов каби юқори синф ўқувчилари уруш ва меҳнат кексалари шифохонасига тез-тез ташриф буюриб, даволанаётганларга қўлларидан келган ёрдамни аямаяпти. Кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликдан ногирон кексаларнинг юзи ёришиб кетади, ёлғизлигини унутиб, умрига умр қўшилгандек бўлади.

Афсуски, ҳаётимизда ачинарли воқеалар ҳам рўй бераяпти. Илгари кўчадан кекса киши ўтиб қолса, ёшлар дарров салом бериб, қўлидан юкини олиб кўмаклашарди. Бундай илтифотдан кўнгли кўтарилган йўловчи ўз навбатида яхши ниятлар билдирарди. Аттанг, шундай гўзал одатимиз тобора унутилаяпти.

Ҳикмат—бир ҳовуч олтин

ЯХШИЛИК ШУНДАЙ ХИСЛАТКИ...

⊙ Савоб шайдолари яхшиликка етадилар.

⊙ Инсоннинг яхши томонларини гапиришга қодир эмаслардан ҳамма ҳазар қилади.

⊙ Ҳақиқат рўёбга чиққанда бу дунё жаннатга айланиб кетади.

⊙ Инсон ҳурматини пастга урувчиларга ҳалол меҳнат, меҳр-муҳаббат, яхшилик билан жавоб бермоқ керак.

⊙ Онгли одамларга бу дунё чаманзорга ўхшайди.

⊙ Ассалому алайкум ҳам яхшилик!

⊙ Қўлингдан келса яхшилик қил — келмадими, одамларнинг оромини бузма — у ҳам келмадими, гавҳари поклардан эмассан!

⊙ Ўзини жиловлай олмайдиган одамда ахлоқ-одоб бўлмайди.

⊙ Меҳнат инсонни едиради, ичиради, кийинтиради ва эзгуликка элтади.

⊙ Бу дунё кўзга ғоятда тушунарли бўлса ҳам, аслида шундай эмас.

⊙ Утнинг — ўтдай балоси бор,
Сувнинг — сувдай балоси бор.

⊙ Жаҳон кезмай, мусофир бўлмай, кишилар меҳрига тўймай, инсонлар хизматида бўлмай, илм гулзорларига кирмай, турли турфа гуллардан ҳидламай гул бўлиш — гулзор бўлиш мумкин эмас.

⊙ Бир ёмонни яхши деб, умр чаманларидан маҳрум бўлмаслик керак.

⊙ Дунёда энг оғир жиноят — кишиларнинг яхшилигини яширмоқликдир.

⊙ Яхшилик шундай хислатки — тошнинг остидан чиқиб ҳам ассалому алайкум деб тураверади.

Абдураҳим УМАРОВ,
шифокор.

Фалакиёт сирлари

Санам кўксидаги тумордек...

КУНИ узун, туни қисқа ёз оқшомларида осмон гумбазида юлдузлар ўз сепини ёйиб, бетакрор гўзаллик кашф этадилар. Лира юлдуз туркумини — Вега, Оққуш юлдуз туркумини — Денеб, Бургут юлдуз туркумини — Альтоир деб аталган энг ёруғ юлдузлари ўзига хос учбурчак ҳосил қилиб, гўё санам кўксидаги тумордек тун осмонининг жамолини кўз-кўз қиладилар. Июнь ойида сайёралардан Муштарийни кеч кириши билан, тонг отарда Зуҳрани, туни билан Зуҳални кузатиш мумкин.

Оқшомхонларга олдиндан маълум қиламизки, ойнинг 22 июнида самовий ҳодисалардан бири — Қуёш турғунлиги ҳодисаси рўй бериб, кун ўзининг энг узун даврига эришади. Бу вақтда Қуёш Ердан энг узоқда — апогей нуқтасида бўлиб, кунлар узун, тунлар эса қисқа бўлади. Қуёш апогейдан ўтгач, бу муносабат ўзгариб кунларнинг ўзгариб кунлар ёруғ вақтлари қисқариб, тунлар вақти оша боради.

Қуёш ҳаёт асоси бўлибгина қолмай, баъзида ҳаёт учун хавф-хатар манбаи эканлиги унинг фаоллиги йиллари ҳодисасида ўз аксини топади. Ер — Қуёш муносабати ва унинг ҳаётга таъсири ҳақида халқ орасида қадимдан эътибор бериб келинган. Бундан 12 минг йил аввал ғорлар ва қояларга чизилган расмларни ўрганиш, аждодларимиз самодаги ўзгаришлар билан ердаги ҳаёт ўртасида қандайдир алоқа борлигига эътибор берганликларини кўрсатади.

Қадимги Хитой қўлёзмаларида қайд қилинган дастлабки маълумот милоддан аввалги 28 йилга тегишли бўлиб, унда Қуёш гардишида кузатилган «учар қушлар» ҳақида баён қилинади. Кўчманчи қабилалар орасида бундан 1500 йил аввал ўз ифодасини топган 12 йиллик даврга эга мучал календари бунга далилдир. Ҳали-ҳали 12 ҳайвон номи билан аталган мучалга қараб қайси йил қандай келишлиги ҳақида халқ орасида турли-туман башоратлар қилинади ва аксарият ҳолларда ижобий натижалар кузатилади.

Россияда юз йил давомида буғдой ҳосили унумдорлигининг ошиши ёки камайиши шу даврдаги Қуёш фаоллиги максимуми ва минимумларига тўғри келган. 1968 йилда Ленинград, Киев ва Қарағанда шаҳарларида инфаркт миокард касаллиги кўпайишининг 90 фоизи Қуёш фаоллиги максимумлари билан мос тушган. Москва, Олмаота шаҳарларида 30—100 йил оралиғидаги маълумотларни ўрганиш болалар туғилиши ва уларнинг баъзи бир ҳолатлари билан Қуёш фаоллиги орасидаги муносабатни тасдиқламоқда. Тарихда етти бор қайд этилган қутириш, вабо, грипп касалликларининг авж олишлари ҳам Қуёш жазваси кучайганлиги билан уйғунлашади. XVII асрнинг иккинчи ярмида Галилей телескоп ёрдамида Қуёш доғларини кашф этди. 1843 йилда фалакиёт ҳаваскори Швабе Қуёш сатҳини 17 йил давомида муттасил кузатиб, Қуёш сатҳидаги доғларнинг кўпайиб-камайиб боришларини, бу 11 йиллик даврга эга эканлигини аниқлади.

Маълумки, Қуёш қаъридаги ҳарорат 15 миллион даражани ташкил этади. Фотосферада (Қуёшнинг ёруғлик сфераси) 6 минг даражани, доғларда эса қарийб 4 минг 500 даражани ташкил этади. Шунинг учун ҳам доғлар қорароқ кўринади. Қуёш гардишида кўринадиган доғларнинг ўлчамлари турличадир. Кичикларининг диаметри бир неча минг километрни ташкил этади. Ҳозирги кунгача Қуёш сатҳида кузатилган доғлар тўдаларининг энг катта гуруҳи 1947 йил апрелида кузатилган бўлиб, унинг умумий юзаси 15 минг миллиард квадрат километрни ташкил этган. Бу ҳажм майдони нақадар катта эканлигини шундан билса бўладики, бундай юзага Ер шаридан 100 тасини бемалол жойлаштириш мумкин. Агар доғнинг диаметри 40 минг километрдан катта бўлса, ундай доғни оддий кўз билан кузатса ҳам бўлади.

Мучалнинг От номи билан аталган ҳозирги — 1990 йилимиз Қуёш фаоллиги кучайган ва фалакиёт илмида «Қуёш фаоллиги» номи билан маълумдир. Қуёш қаърида ва сатҳидаги турлитуман ҳодисалар: Қуёш доғлари, факеллар, протуберанслар, чақнашлар, рентген ва бошқа нурланишларнинг фаоллиги ортиш даври — Қуёш фаоллиги максимуми йили ва аксинча сусайган йиллар — Қуёш фаоллиги минимуми йили деб аталади.

Қуёш фаоллиги фотосфера остида жойлашган магнит майдони маҳсули бўлиб, хусусан қуёш сатҳидаги доғларда акс этади. Қуёш доғлари ва улар билан боғлиқ ҳодисалар сони 11 йиллик давр (баъзида бу давр 7,5 йилдан 16 йил оралиғида ўзгариб ҳам туради) билан кўпайиб, камайиб туради.

Фалакиёт соҳасида сўнгги йилларда илмий изланишлар ўзига хос бўлган 5 минутлик, бир неча соатлик даврлардан то 11, 22, 80—90, 600... йиллик даврлар мавжудлигидан дарак бераяпти. Шуни алоҳида айтиш керакки, бизнинг сайёрамиз Ердаги кўпгина ҳодисалар ўзига хос қарийб 27 кунлик такрорланиш даврига эга бўлиб, бу Қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланиш даврига мос келади.

Ҳозирги кунда фалакиёт илми ва тиббиёт орасидаги муносабатлардан шу нарса аён бўляптики, агар инсон маълум бир тадбир-чораларни ўз вақтида бажарса, Қуёш фаоллиги йиллари кузатиладиган салбий ҳолатлар бир мунча заифлашиши ҳақиқатдан ҳоли эмас экан. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалакиёт институтида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари бу муаммони ўрганишда ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Сандбаҳром АЗИЗОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалакиёт институтининг илмий ходими.



⊙ ПОЙТАХТИМИЗДА жумҳурият областлари маданияти кунларн давом этмоқда. Бу сафар Самарқанд областидан таниқли шоирлар, бастакорлар, раққосалар, созандалар ва бошқа ижод аҳли ташрнф буюришди. Айни пайтда Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта театрида самарқандлик санъат усталари иштирокида катта концерт программаси намойиш этилди. Санъаткорлар билан меҳнат жамоаларн, ташкилотлар ва муассасаларда қизиқарли учрашувлар уюштирилди.

СУРАТЛАРДА: Самарқанд областн маданиятн кунларидан лавҳалар.

В. Тўраев суратлари.

Шифобахш ўсимликлар

КАРАМ—ДАРДГА МАЛҲАМ

КАРАМ тош асрининг охиридан ўстирила бошланган. Атлантика океанининг Европа қирғоқлари унинг илк ватани ҳисобланади. Ҳозир биз истеъмол қилаётган кўпгина карам навларини қадимги римликлар етиштирганлар. Ҳатто жаҳонга машҳур математик ва файласуф Пифагор ҳам бу ажойиб неъмат ҳақида: «Карам кишини муттасил тетик қилиб, кайфият ва руҳиятни доимо енгил қилувчи сабзавотдир», деб ёзган эди.

Мамлакатимизда карамнинг 70 хили етиштирилади. Унинг боғ, карами, гул карами, оқ, қизил, брюсель, савой, кольраби, ёввойи карам каби турлари бор. Гул карами ўзига хос таъм ва хушбўйликка эга. Ёввойи карам эса аччиқроқ бўлади.

Қадим замонлардан шифобахш ўсимлик сифатида карамдан фойдаланиб келинган. Қадимги греклар ва римликлар карам билан уйқусизликни, эпилепсия касалликларини даволашган. Буюк саркарда Искандар Зулқарнайн лашкарларига куч-қувват бахш этиш учун жангдан олдин уларга карам истеъмол қилдирган.

Карам мастлик ҳолатини барҳам топтиради, иштаҳани очади, шарбати беморга қувват бахш этади ва у энг яхши дармондори берувчи таом ҳисобланади. Карам таркибини асосан сув ташкил этса-да, унда яна қанд моддаси, оқсил, минерал тузлар ва турли дармондорилар бор. Метионин ва холин моддаларига эга бўлган карам жигар касаллигига ҳам даводир. Карамнинг ширасн юрак қон-томир касалликларн ва меъда яраларини даволашда наф келтиради.

Карамни чайнаб, сувн сўрилса, бўғилган овоз очилади. Бундан ташқари, у ёғлар алмашинувини идора қилади, бу эса ўз навбатида танадан ортиқча холестеринни чиқариб юборади. Натижада паришонхотирлик (атеросклероз) хасталигига чалиниш олдини олади. Карамда пешобни ҳайдаш хосияти ҳам бор. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино карам ҳақида шундай ёзган: «...Ёмон яраларнинг ёйилишига тўсқинлик қилади, тухумнинг оқи билан қўшиб, куйган жойга қўйилади. Ярага айланган қўтирга фойда қилади. Сариқ йўғичқа уни ва кунжут билан аралаштириб тайёрланган қуюқ суртмаси подагра ва бўғинлар оғриғига фойда қилади. Карам ширасн ёш қайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб, томоқ чайқалса, томоқ оғриқларига фойда қилади».

Демак, карам фақат ризқ-насибагина бўлиб қолмай, балки у шифобахш неъмат ҳам экан.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
фарғоналик доришунос.

Шанба фельетони

«Қонхўр»дан зўри йўқ

АЙТАЙЛИК, ишдан ҳориб-чарчаб уйингизга келдингиз... Бошингиз ёстиққа тегди. Кўзлар пискадек қисилянти. Шу пайт шифтда пайдо бўлган қандайдир кўз илғамас маҳлуқлар Сизга дўлдек ёпирилади: нозик баданларингизга кетма-кет игналар санчади. Тўшакда илондек тўлғониб, жонингизни қаерга қўярга жой тополмай, беихтиёр ўзингизни ўзингиз шапатилай бошлайсиз... Эрталабгача кимнидир бурни шишган, кимнидир кўзи, яна кимнидир қовоғи... Баъзилар ҳамкасбларидан уялиб, кўзойнак ҳам тақиб олади. Айримлар ишхонасига «тобим қочиб қолди» деб сим қоқади. Хуллас, кечаси билан азоб: уйқу уйқу бўлмайди, ишда эса хоҳлайсизми, хоҳламайсизми мудраб ўтирасиз...

Хўш, ҳозирда қарийб ярим тошкентликларга шундай азоб бераётган нима ўзи? Баъзилар бу маҳлуқни пашша дейдилар, баъзилар эса чивин. Келинг, бизнингча чивин бўла қолсин. Каминага қолса «қонхўр» деб атардим. Чунки қонингизни сўриб беҳол айлайди. Наҳотки, энди ана шу қонхўр билан беллашадиган мард топилмаса? Афсуски, йўқ. Бўлса ҳам ундан енгилаётганига ачинасан, киши. Маиаман деб, кўкрагини кериб юрганларнинг елкасини ерга тегизяпти. Одамни қирғинбарот қиладиган дорилар ишлаб чиқарилади-ю, бироқ шу «нозик-ниҳол», кичкинагина чивинчани тинчитадиган дори тайёрлай олмаймиз?!. У эса борган сари қутуриб, шаҳар аҳолисининг додини бераяпти.

— Чивинга қарши курашувчилар борми ўзи? — деб ёзади 2-Қорақамиш даҳасининг 1-мавзеси 11-уйида истиқомат қилувчи Т. Икромов. — Уларни ойда-йилда зўрга кўриб қоласан, киши. Шунда ҳам помигагина дори сочиб кетишади. Ахир қачон улар ўз вазифасини ҳалол бажаришаркин?

Ўринли савол. Бундай эътирозлар ғиж-ғиж. Ана шу даҳанинг 9, 10, 11, 12, 13, 14, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31-уйларида истиқомат қилувчи аҳоли, 1-Қорақамиш даҳасининг 4-мавзесидаги 25, 26-уйларда истиқомат қилувчилар, қўйингчи бутун Қорақамиш аҳли чивиннинг дастидан дод демоқда.

Шанба фельетони

«Қонхўр»дан зўри йўқ

Маълум бўлишича, шаҳар дезинфекция станциясига қарашли «Экосан» ширкати ташкил қилиниб, чивинга қарши кураш ана шу ширкатчиларга ишониб топширилган экан. Бу ердагиларнинг айтишича, Қорақамиш даҳасидаги уйлар график бўйича назоратдан ўтказилар экан. Бунинг учун ЖЭУ ёки аҳолининг ўзи буюртма бериши зарур эмиш. Бу уларнинг гапи. Бироқ чивинга талаиаётган аҳоли эса бу гапни инкор этади.

— Яқинда бизнинг уйимизнинг ертўлаларига дори сочиш учун ўша ширкатдан машина келди, — деб ҳатини давом эттиради Т. Икромов. — Бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Кейин билсак ертўла тешикларига суқилиб дори сочадиган машинанинг шлангаси калта эмиш. Улар шуни баҳона қилиб жуфтакни ростлаб қолишибди...

Қизиқ, одамлар космосга учаётган бир пайтда наҳотки ана шу оддийгина шлангни узайтириш мумкин бўлмаса? Уйларнинг ертўлаларини сув босиб ётибди. Захнам — бу чивиннинг кони.

«Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», дейди халқимиз. Собир Раҳимов район уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатацияси трестига қарашли бир қатор ЖЭКлар бирлашишди-ю, лекин ўзмади. Аксинча, ишининг унуми йўқ, тўзиб боряпти. Юқорида рақамлари қайд этилган уйлар бир неча ЖЭКнинг бошини қовуштирган ЖЭУ-5 га қарар экан. Бироқ ЖЭУ-5 дагилар аҳолининг арз-додига қулоқ солмайди. Наҳотки, сим орқали буюртма бериб, «Экосан»чиларни чақириш шунчалик оғир иш бўлса? Дарвоқе, «Экосан» дегани «экология-санитария» дегани эмиш. Хўш, бу ширкатнинг иши асосан экологияни яхшилашга, турар жойларнинг санитария аҳволини қаровсиз қолдирмасликка йўналтирилган экан, нега улар аҳоли турар жойларида мунтазам профилактика ишларини олиб боришмайди? Мана оқибат. Агар улар ҳақиқатан ҳам виждонан ишлаганларида эди, шундай улкан Қорақамиш даҳасидаги аҳоли чивинга таланиб ётмас эди.

Дарвоқе, чивинга ем бўлаётган фақат қорақамишликлар эмас, балки чилонзорликлар, юнусободликлар, шофайзликлар, ҳатто шаҳар марказидаги Ҳамид Олимжон майдонидаги 20 қаватли бинодагилар, қўйингчи, шаҳарнинг ярим аҳолиси чивиннинг дастидан изтироб чекмоқда. Хўш, чивинга қарши ким беллаша олади? Шаҳарда «қонхўр»дан зўри борми? Зўри бўлса қани майдонга чиқсин.

Тўхтамурод ТОШЕВ.



ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

Сиз суратда кўриб турган маорифчилар С. Раҳимов районининг 45-кечки мактаби жамоасига қарашли. Мактаб ўзга илм масканларидан тубдан фарқ қилади. Мазкур мактабда Москва Фанлар академияси қошидаги умумтаълим бўлими илмий-тадқиқот бўйича тажриба ишлари олиб боряпти. Мактаб боғча тарбиячиларн, боғча ошпаз технологларн, тиклиш соҳаси учун бичувчн кабн бир қанча касб эгаларини тайёрлайди. Ўқувчиларга аттестат билан бирга касбларн бўйича гувоҳномалар ҳам қўшиб берилади. Шу йилдан бошлаб бу ерда ўқувчилар эски ўзбек ёзувидан ҳам таълим олa бошладилар. Ҳозир бу фанни 374 нафар ўқувчн ўзлаштирншга кирншди.

Мактаб, шунингдек ўзга жумҳурнятлар ишларн билан тажриба алмашиб турадн.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: Қозоғистон ССРдан келган ўқитувчиларга мактаб директорн Тнничбек Пўлатов (ўртада) педагогик жамоа ишларн билан тажриба алмашиб турадн.

Муаллиф суратн.

Тўрмуш чорраҳаларида

Чумоли уясидаги том

БОҒЧАДАН келган қизим Наргиза кўпинча синглиси Замира билан ҳовлимиздаги катта ўрик дарахти тагида ҳар хил ўйинлар билан машғул бўлишар, қувонч тўла кулгилари, овозлари янграрди.

Одатдагидек, мен ошхонада кечки овқатга уннаб кетгандим. Бир пайт катта қизим Наргиза ҳаяжон билан чақирди:

— Опажон, бу ёққа келинг! Замира ҳам кулиб:

— Тезроқ келинг, опажон!— деб ер тепинарди.

Ўзимча бир кор-ҳол бўлдими деб ўрик тагига чаққон югуриб бордим.

— Ҳа, нима гап, ширин-шакарларим? —дедим қизалоқларимга ҳайрат билан қараб.

Наргиза чарос кўзларини ярақлатиб, севинч билан сўради:

— Чумолилар яхши, а, опажон?

— Ҳа, чумолилар яхши, меҳнаткаш ҳашарот, — дедим ўрик дарахтига қараб, — чумолилар мевали дарахтлардаги зарарли қуртларни еб, дарахтларни касал бўлишдан сақлашади.

— Ана, шунинг учун чумоли уясига том ясадик-да, — деди Наргиза синглиси Замирага миннатдор қараб, сўнг менга мўлтираб гапира кетди:

— Опажон, қаранг, чумоли уяси очиқ экан, ҳаммаларн чопиб-югуриб юришибди, ёмғир ёгса уяларига сув тўлиб ўлмасин, деб том ясаб қўйдик.

— Ия, жуда чиройли бўлибди-ку, — деб юбордим ҳайратдан.

Наргиза билан Замира ўрик тагидаги чумоли уяси устига тошдан гумбоз шаклида ихчамгина том ясаб қўйишибди. Қизалоқларимнинг она-табиат жониворларига меҳрларидан бир олам қувончга тўлдим.

Ойшахон ҚУРБОНОВА.



Табиат неъматлари ва ҳодисалари

⊙ Кимки чинорлар музейн бор деса, ишонаверинг. У Ургут районидаги Чорчинор мавзеида ташкил этилганига олти йил бўлаяпти. Унда 44 та ЭНГ кекса чинорлардан 8 таси минг ёшга кирганлиги қайд этилган. Бу музей ҳозирча жумҳуриятимизда ягона ҳисобланади.

⊙ 1969 йилнинг июнь ойларида Фарғона педагогика институтининг табиёт қуллнёти талабалари Арслонбобга саёҳатга чиқишганди. Кунларнинг бирида талабалар ёнғоқзордаги чиринднлар орасида ўсган жуда катта қўзиқоринни учратишди. Тортиб кўрилганда унинг вазни салкам 6 килограмм, айланаси эса 53 сантимер келди. (Мазкур қўзиқорин қуриб қолганлиги натижасида анча енгилашган пайтида учратилганди).

Бунақанги улкан қўзиқоринлар табиатда онда-сонда учрайди. Бундан 20 йил илгари табиатшунос Р. Киреев Свердловск вилоятидан оғирлиги 4,5 килограмм, 1959 йили Бошқирдистоннинг Уфа райони Чернолесье қишлоғи яқинидан 5 килограмм 600 граммлик қўзиқорин топилганлиги матбуотда эълон қилинган эди. Шунга кўра Арслонбобдаги «Топилма» мутлақ рекорд натижа бўлса ажабмас.

⊙ Жумҳуриятимизда ўсимликлар ичида ЭНГ узун илдизлиси чўл янтоғи бўлиб, у 30 метргача томир отади.

⊙ Эрта баҳордан кеч кузгача серқуёш Узбекистонимизда ширин-шакар мевалар бирин-кетин пишади. Шу меваларнинг ичида ЭНГ кеч пишадиганн анордир. Унинг қирмизи, ранглар, дурдона каби 40 дан зиёд турн бор. Аччиқдона, шириндона, қозоқи каби турлари ЭНГ аъло навларн ҳисобланади. Бундай навлар Денов, Китоб томонларида ўсади ва тупи 30 килограммгача (ҳатто ундан кўпроқ) ҳосил беради.

⊙ Қизилқум, Қаршн чўлларида яшовчи калтакесакларнинг ЭНГ йирги — эчкемардир. Унинг узунлиги 1,5 метрга етади.

⊙ ЭНГ кучли бўрон Каршн чўлларида эсади. (секундига 30—40 метр).

⊙ Фарғона водийсида эсувчи ЭНГ шиддатли «Ховос» шамоли 1951 йили январида поездларнинг тўхтаб қолишига ва уй томларини учириб кетишига сабаб бўлган.

⊙ Узбекистоннинг Шўрчи районидаги Сариқ тупроқли суғориладиган ерларда иссиқлик қарорати 79 даражага етади.

Анвар МИРЗАЕВ
тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Ҳафталик кўрсатувлар 4 июндан — 10 июнгача

Душанба, 4

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

● ЎзТВ I

9.50 **Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг очилиши Тошкентдаги Санъат саройидан олиб кўрсатилади.**

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Химия.
18.10 «Қойилман-е». Мультфильм.
18.15 «Гуллар менинг кулганим». Болалар учун концерт.
19.00 ЎзССР ФА академиги Ғ. А. Мавлонов туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган илмий конференция.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Пўлат Махсум. «Нур». Теленовелла.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ахборот».
21.20 **«Ўзбекистон Компартияси XXII съездида».**

● ЎзТВ II

18.00 «Томошабин ва санъат» (рус тилида).
18.45 «Бойтерак». Телефильм.
19.05 «Муҳаббат мажароси». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Туйғулар». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Чеховга эса ишониш керак». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев).
8.35 Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти.
8.55 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. Премьера (Чехословакия телевидениеси).
10.40 «Мойдодир». Мультфильм.
11.00 «Ҳайвонот оламида».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Рус қўшиғи жаранглайди». И. Банковский куйлайди.
16.00 Болалар соати (немис тили дарси билан).
17.00 «Пульс-90». «Биз ва иқтисодиёт».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Мультфильмлар: «Тезюрар Мук», «Скрипкада чалишни орзу қилган паҳлавон».
18.55 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Олам кинокамера кўзгусида».
22.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
22.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
00.05 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Болалар учун фильм. «Мен қандай қилиб қобилиятли бўлдим». 1-серия («Беларусьфильм»).
8.20 «Чашмалар».
9.50 «Яшасин аёл!». Ҳужжатли фильм премьераси («Молдовафилм»).
10.10 Р. Штраус. «Дон Жуан». Симфоник поэма.
10.30 «Эртак бошланади». Мультфильм.
10.50 «Охирги манзил сари йўл». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
11.20 «Қалбим нафис сандиқ, унга қувонч жойланган».

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Унинг хотираси барҳаёт» (Барнаул).
17.00 Теннис. Францияннинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Телевизион мусиқий абонемент. «Рангларнинг мусиқий олами». 1-кўрсатув.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Рассом Сутеев эртаклари».
19.45 «Қўрқув ва таъналарсиз». Ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск киностудияси).
20.05 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.10 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. СССР—Япония терма командалари. Ригадан кўрсатилади.
21.10 «Ҳамдўстлик» видеоканали.

Сешанба, 5

● ЎзТВ I

11.30 «Табиат ва биз». Кинопрограмма.
12.10 Такрорий фильмлар экрани. «Муҳаббат мажароси». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Она тили.
18.10 «Катта саёҳат». Мультфильм.
18.20 «Мулк: муаммо ва ечимлар».
19.00 «Бугун — Жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Танбур ва дутор тароналари.
21.40 **«Ўзбекистон Компартияси XXII съездида».** Съезд кундалиги.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Йўл бўлсин». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Болалар учун. «Юлдузча» (рус тилида).
18.35 «Дўстлик» программаси. «Қардошлар шеъриятидан».
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бозор. Талаб ва муаммолар».
21.00 «Манфаатларимиз йўлида» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Пахми дўстим». СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова.
21.30 «Ҳар ки нақуноми зист...» Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ҳоди Кенжаев.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Сизнинг фикрингиз?». Атроф муҳитни муҳофаза қилиш мавзусида бевосита телевизион мулоқот.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Осим ака». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота).
8.25 «Антон-квартет бизнинг студиямизда».
8.40 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.
10.15 «Бу бўлган... бўлганди...».
10.35 «Ҳар дарахтдан биттадан...». Мультфильм.
10.55 Болалар соати (немис тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.40 «Умринг боқий бўлсин, Ер!».

* * *

15.45 «Мусиқий хазина». В. А. Моцарт. 39-симфония. СССР Давлат камер оркестри ижро этади.
16.20 Болалар учун фильм. «Электроникнинг саргузаштлари». 1-серия — «Қочиш» (Одесса киностудияси).
17.30 «Бор бўл, мусиқа!». «Халқаро балет лагери».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Мультфильм.
18.40 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Ҳа, жаноб Бош министр». Телевизион бадиий фильм («Би-би-си», Буюк Британия). 1-фильм.
21.40 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради... «Иш устасидан қўрқади».
22.25 «Бу... уч карта». Бадиий фильм (Литва киностудияси «Ленфильм» киностудияси иштирокида).
23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Болалар учун фильм. «Мен қандай қилиб қобилиятли бўлдим». 2-серия.
9.20 Ритмик гимнастика.
9.50 «Цирк артистлари Ермолаевлар». Фильм-концерт.
10.35 «Бремен созандалари». Мультфильм.
10.55 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.35 «Бегона қалб». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киров шаҳри).
12.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси» («Беларусьфильм»). 3-фильм — «Шарқий чегара». 1-серия.
13.30 Ритмик гимнастика.

* * *

16.00 «Халқ ижоднётн» видеоблоки.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Ангарск кечаси» (Ангарск).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Хонаки театр».

Чоршанба, 6

● ЎзТВ I

11.30 «Нафосат оламида», «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильмлар («Ўзбектелефильм»).
12.15 Такрорий фильмлар экрани. «Йўл бўлсин». Телевизион бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Умумий биология.
18.10 «Оқ бўталоқ», «Содиқ дўстлар». Мультфильмлар.
18.40 «Ой бориб, омон қайт». Вилоят ҳарбий комиссариатидаги ўзгаришлар.
19.10 «Шаҳрисабз». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Суянчим—шеърият». Зулфия Бобоева.
20.20 «Лайлак қанот қоққанда». Манзарали фильм.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Мақом кечаси.
22.00 «Ахборот».
22.20 **«Ўзбекистон Компартияси XXII съездида».** Съезд кундалиги.
22.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».
23.40 «Агар мўъжиза юз берса...». Сафия Сафтарова.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 «Жажжи сержант». Бадиий фильм (СССР—Чехословакия).
19.25 «Қалбида қуёш тафти». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
20.00 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Садоқатлилар». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Қишлоқликнинг ён дафтаридан». Телевизион ҳужжатли фильм.
8.25 «Навбат сизга, артист». Елена Ласько.
8.50 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар.
10.35 «Бу... уч карта». Бадиий фильм.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 «Читтакнинг йилномаси». «Ёз». Мультфильм.
15.55 Болалар учун фильм. «Электроникнинг саргузаштлари». 2-серия —«6 Бэннинг сири».
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Шеърият лаҳзалари.
18.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 7 ва 8-сериялар. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 «Ҳа, жаноб Бош министр». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм.
21.45 «Прага баҳори-90». Телеочерк.
23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Болалар учун фильм. «Бир юз биринчи». 1-серия (Одесса киностудияси).
9.25 «Қалбга яқин қўшиқлар».
10.10 «Биз қамал кунларидан чиқдик». Телевизион ҳужжатли фильм (Ленинград).
10.50 «Рақс шарафига». Фильм-концерт («Литвателефильм»).
11.30 «Мангулик билан танҳо». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Владикавказ, Грозний).
11.40 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 3-фильм — «Шарқий чегара». 2-серия.

* * *

16.30 Енгил атлетика. Халқаро мусобақалар. Италиядан кўрсатилади.
17.10 Филипп Лукининг хор асарлари. Чебоксардан кўрсатилади.
17.30 Теннис. Францияннинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Москва Давлат симфоник оркестри чалади.
18.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) —Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ёнғин».

Пайшанба, 7

● ЎзТВ I

11.30 «Етуклик имтиҳони», «Дардни яширсанг», «Эртадан умидвормиз». Телефильмлар.
12.10 Такрорий фильмлар экрани. «Жажжи сержант». Бадиий фильм.

* * *

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Янгиликлар.
17.25 «Абитуриент-90». Математика.
17.55 «Алифбо сабоқлари».
18.30 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шинник» (Ярославль). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
20.20 «Зангула». Телефильм.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Камолот сари». Сайёра Назирова ва Миразиз Муҳамедов.
21.30 **«Келажак режалари». Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иши якунлари,**
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интилиш».
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Чорраҳа». Бадиий фильм («Қозоқфильм»).
19.30 «Қобус». Телефильм.
19.40 Реклама.
19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бозор. Талаб ва муаммолар».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Чеҳраи оунар». Муҳаммади Абдурасулов.
21.40 «Баҳи одам аъзои якдигаранд».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тўлқинлар қирғоқда ҳалок бўлади». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Қизил Ян». Британия денгизчиси — Улуғ Ватан уруши йилларида Арктикада кемалар қўриқчиси бўлиб хизмат қилган Ян Хайгетнинг тақдири ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»).
8.20 Рязань шаҳар «Радуница» қўшиқ-чолғу ансамблининг чиқиши.
8.40 Тош лабиринтлар жумбоғи». Илмий-оммабоп фильм премьераси (Рига киностудияси).
9.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 7 ва 8-сериялар.
10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид телерадио программалар I Бутуниттифоқ конкурсида совриндор олган кўрсатувлар. «Маҳаллий аҳамиятга молик жанг» (Архангельск).
16.05 Болалар учун фильм. «Электроникнинг саргузаштлари». 3-серия — «Ит етаклаган бола».
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 9 ва 10-сериялар. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Ҳа, жаноб Бош министр». Телевизион бадиий фильм. 3-фильм.
21.40 Опера шинавандалари клуби.
22.50 Останкино концерт студиясида Илья Глазунов билан учрашув.
00.20 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 Болалар учун фильм. «Бир юз биринчи». 2-серия.
9.25 Кёльн радиоси симфоник оркестрининг концерти.
9.55 Ритмик гимнастика.
10.25 БССР мусиқий фольклорининг концерти.
11.00 «Бремен созандалари изидан». Мультфильм.
11.20 «Тилла элакча». ВЭФ заводи болалар хореографик коллективи ҳамда «Кукушечка» ансамблининг чиқиши (Латвия).
12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 4-фильм — «Қизил қум». 1-серия.

* * *

16.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Россия қандай бўлиши керак?» (Владикавказ шаҳри).
16.30 «Фикрлар чорраҳасида».
17.30 Теннис. Францияннинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Бегона». Экологик муҳитни сақлаш ҳақида (Жанубий Сахалин шаҳри).
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30)—Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».

Жума, 8

● ЎзТВ I

11.30 Такрорий фильмлар экрани. «Чорраҳа». Бадиий фильм.
12.55 «Хотира». Ўзбекистон ССР халқ артисти Сойиб Хўжаев.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Физика.
18.10 «Арқон». Мультфильм.
18.20 «Сув—ҳаёт манбаи». Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш.
19.00 Коррекцион-педагогик ишларни такомиллаштириш мавзусидаги жумҳурият илмий-амалий кенгашининг давра суҳбати.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тилга эътибор». Юсуф Ҳос Ҳожиб. «Қутадғу блиг».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Экран таништиради». Кинокўрсатув.
21.50 «Одобнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 «Дилбарим». Кинокомедия («Ўзбекфильм»).
19.15 «Алдаган бола яхши». Телефильм.
19.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Маҳалладаги учрашувлар».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Москва. Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.15 Москва. Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши.
21.45 «Мерос». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Оқ пўстин». Мультфильм.
8.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.00 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 9 ва 10-сериялар.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 Илмий хабарнома.
16.30 «Агар сиз...».
17.15 «Чемпионларнинг бошловчи спортчиларга маслаҳатлари».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Мусаввир устахонасида». Алексей Кузьмин.
18.45 «Маята». Ҳужжатли фильм.
19.15 В. Готовцева куйлайди.
19.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 11-серия. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг тантанали очилиши. Италиядан олиб кўрсатилади.
21.45 «Бу бўлган... бўлганди....».
22.05 Брэйн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?» 4-сони.
22.40 «Нигоҳ».
00.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 «Дўстлик хороводида». СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерти.
9.05 «Таушен». Оқин аёл ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота).
9.35 Болалар учун фильм. «Ғарқ бўлган шаҳарни изловчилар» («Грузия-фильм»).
10.45 «Ғжель ўзи қанақа?».
11.30 С. Рахманинов номли II Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати А. Мордасов чалади (биринчи мукофот).
12.00 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 4-фильм — «Қизил қум». 2-серия.

* * *

17.15 «Дартс» нима ўзи?».
17.30 Теннис. Францияннинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Мультфильмлар: «Ўрмон саёҳатчилари», «Рамзеснинг ҳунарлари». 3-фильм.
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30)— Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Яшил сўқмоқлар». Мультфильм.
21.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — Камерун терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Информацион программанинг давоми.

Шанба, 9

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 Ҳужжатли фильмлар экрани.
10.50 «Пойтуғ тўқимачилари». 3-кўрсатув.
11.20 «Бу сирли олам».
11.50 «Ҳазил». Бадиий фильм («Мосфильм»).
13.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нуқтан назар».
14.05 «Мозийдан қолган ривоят». Дутор ҳақида лавҳа.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Хотиралар». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Тошлар жилоси». Телефильм.
20.00 Москва. «Время».
20.30 Оқшом эртаклари.
20.45 Долзарб мавзу.
21.00 Тошкентда Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти маданияти кунлари. Ойнаи жаҳонда — Қашқадарё.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 Фитрат. «Абул Файзхон». Қашқадарё вилояти Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқий драма театрининг спектакли.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Шоир Боқи Раҳимзода шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 Бизнинг фондимиздан. А. Чхеидзе. «Ворислар». Телевизион спектакль.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Басат—Тепагеза ғолиби». Мультфильм.
18.20 «Шаҳристон текисликларида».
18.50 «Фарзанди нағз — боғи падар». Ота-оналар учун кўрсатув.
19.30 «Новости».
19.50 Кинолавҳа.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Жаҳоннамо». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Жаҳоннамо». Бадиий-публицистик кўрсатувнинг давоми.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда.
8.35 «Йил фасллари». Июнь.
9.35 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 11-серия.
10.30 «Бурда моден» таклиф этади...».
11.00 Отелло Профацио куйлайди (Италия).
11.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
12.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Аргентина — Камерун терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
13.00 «Дўстлик меридианларида». II Халқаро фольклор фестивали. Ёпилиш маросими ва якунловчи концерт. Киевдан кўрсатилади.
15.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
16.15 Снёсий мулоқотлар.
17.15 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
17.20 «Халқаро панорама».
18.05 «Келгиндилар». Ҳужжатли фильм.
18.30 Режиссёр К. Кийск фильмлари, «Саргузаштлар изловчи» («Таллиннфильм»).
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 «Экранда Сибирь». Киножурнал.
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. СССР— Руминия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.
23.55 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.45 «Полковник Шалигиннинг кутиши». Бадиий фильм, субтитр билан (Одесса киностудияси).
9.10 «Агар сиз...».
9.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
10.00 «Совет Россияси» видеоканали.
12.30 Рус тили.
13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 «Олис портлаш акс садоси». Бадиий фильм («Ленфильм»).
18.00 Теннис. Францияннинг очиқ чемпионати. Франциядан кўрсатилади.
19.00 Информацион программа. Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қўғирчоқлар дўхтири».
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия—Австрия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

Якшанба, 10

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Пазанда». Бадиий фильм («Мосфильм»).
11.05 Спорт кўрсатувлари: 1. Ёш спортчилар мактаби. Кураш. 2. Сузиш. Жумҳурият чемпионати.
12.10 «Ота-оналар университети».
12.40 Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ўқитувчи ва студентларининг концерти.
13.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
14.20 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари.
14.50 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).

* * *

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 «Қўшиғим, жон қўшиғим». Фарғона ноҳияси болалар бадиий коллективларининг чиқиши.
18.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Геолог» (Тюмень). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Катталар учун мультфильм. «Туррапута ҳокими».
20.00 Москва. «Время».
20.30 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муножот Йўлчиева куйлайди.
21.30 Долзарб мавзу.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Театр ва замон». Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 70 йиллигига бағишланади.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Китобчанинг викторинаси».
10.55 Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган кинопрограмма.
11.55 «Тўртинчи ким». Бадиий фильм.

* * *

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Капитан Грантни излаб». Етти сериали телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
20.00 Москва. «Время».
20.30 «Гулшан» эстрада оркестрининг концерти.
21.10 «Санъат усталари». Тожикистон ССР халқ артисти Хайри Назарова.
22.00 «Ҳафта». Информацион программа.
22.30 «Шарқ юлдузлари». Ҳангома (Афғонистон).
24.00 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб».
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 «Блиц». Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб».
12.00 «Здоровье».
12.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
14.00 «Экологик бумеранг». Ўсмирлар учун публицистик программа.
15.15 «Педагогика ҳамма учун».
16.15 Евгений Нестеренко ҳамда СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
18.00 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 1-сони.
18.10 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма сериали телевизион бадиий фильм. 12 ва 13-сериялар.
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
20.30 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари.
20.40 П. И. Чайковский. «Оққуш кўли». СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
23.05 «Каспий денгизига қуйилади». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.35 «Александр Малининнинг зиёфати».
00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Швеция терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

7.35 Зарядкага сафланинг!
7.45 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Халқ манфаати ва фаровонлиги учун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Минск).
8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бирлашган Араб амирлиги — Колумбия терма командалари. Италиядан кўрсатилади.
9.15 «Шахсий ҳаёт». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
10.55 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар».
11.55 «Қойил, Альбер Лолиш». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).
13.30 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Тўғон». Гидроэлектростанция қурилиши ҳақида ҳужжатли фильм.
13.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
13.55 «Совет Россияси» видеоканали.
16.25 «Планета». Халқаро программа.
17.25 «Горец» рақсга тушади». Владикавказ шаҳридан кўрсатилади.
17.55 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Эҳтиёт бўлинг, чўртан балиқ». Мультфильм.
18.10 «Мактабдош дўстлар». Телевизион бадиий фильм (ГДР). Премьера.
19.35 «Прелюдия». Телевизион ҳужжатли фильм (Ростов-Дон).
20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
20.30 Мусаввир устахонасида. «Иван Никифоровнинг уч ҳаёти».
20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. АҚШ—Чехословакия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д—2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

Р — 04585.